

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНИСЕФ БИЛАН СЕРМАҲСУЛ ШЕРИКЛИКНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ижрочи директори Кэтрин Расселни қабул қилди.



БМТ тизимидаги ушбу етакчи ихтисослаштирилган институт билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида ЮНИСЕФ раҳбари Ўзбекистон етакчисига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг самимий саломини etkazди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига юқори баҳо берилиб, болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш соҳасидаги миллий дастур қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда юксак даражага чиққани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ташкилот кўмагида мамлакатимизда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қонун, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва болалар онкологиясига қарши курашиш соҳасида стратегик ҳужжатлар қабул қилинди. Коронавирус пандемиясига қарши

курашиш ва вакцинация тизимини ривожлантиришга кўмаклашилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш, болаларни парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш, ижтимоий хизмат ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, миллий стандартларни ишлаб чиқиш, ижтимоий сугуртани кенгайтириш, инклюзив таълимни ривожлантириш ва бошқа устувор йўналишларда қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

2030 йилгача мўлжалланган янги Мамлакат дастурини қабул қилиш, шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини илгари суриш масалалари бўйича қатор халқаро тадбирларни биргаликда ўтказишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Саммит давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 7 — 9 июнь кунлари Италияга расмий ташрифи давомида эришилган келишувларга мувофиқ ўтказилади.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш

ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Инновацион ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув лойиҳаларини илгари суриш диққат марказида бўлади.

Яқунда икки томонлама битимлар тўпламини имзолash кўзда тутилган.

Ў.А.

Ўзбекистон — Италия: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Италия Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Биз ва жаҳон

Ушбу ташриф 1992 йил март ойида бошланган Ўзбекистон — Италия муносабатларининг замонавий тарихида муҳим босқич ҳисобланади. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши биланок Тошкентда Италия элчихонаси, 1998 йилда эса Римда Ўзбекистон ваколатхонаси очилди.

2021 ва 2023 йиллардан буюн Флоренция ва Миланда Ўзбекистоннинг фахрий консулчилиги институтлари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса халқлар дўстлиги ва иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев 2023 йил 8-9 июнь кунлари расмий ташриф билан Италияда бўлди. Ташриф якунлари бўйича икки давлат ўртасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида Қўшма декларация қабул қилинди.

Ушa йилнинг 9 — 11 ноябрь кунлари Италия Президентини Сержо Маттарелла расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Сиёсий мулоқот фаол қўллаб-қувватланмоқда ва юқори даражада давом эттирилмоқда. 2019 йилнинг декабрь ва 2021 йил сентябрь ойларида Ўзбекистон ва Италия ташқи ишлар вазирилари ўзарo ташриф алмашишди. 2024 йил май ойида эса Римда бўлиб ўтган “Италия — Марказий Осиё” учинчи вазирлар конференцияси доирасида учрашувлар ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, Рим 2019 йилда вазирлар даражасида ушбу мулоқотни ўрнатишни бошлаган биринчи Европа давлати эди.

Бундан ташқари, икки

АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Давлатимиз раҳбарига ичимлик суви ва оқова тармоқларини кенгайтириш борасидаги ишлар юзасидан ахборот берилди.

Аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигида гоят муҳим бўлган бу йўналиш изчил кенгайтириб борилмоқда. Ижтимоий ва ҳудудий дастурлар доирасида кўплаб иншоотлар барпо этилмоқда. Ҳозирга келиб аҳоли мавзела-рининг 81 фоизи ичимлик суви, 20 фоизи оқова тизими билан таъминланган.

Бу йил 1 минг 619 километр ичимлик суви, 521 километр оқова сув тармоқларини тортиш, 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Буларнинг натижасида 715 минг аҳолига илк бор марказлашган ичимлик суви етиб боради, яна 400 минг нафари оқова хизмати билан қамраб олинади.

Мутасаддилар шу борадаги ишларнинг бажарилиши бўйича ахборот берди.

Халқаро молия институтлари иштирокида 21 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу йил 800 миллион долларлик

ишларни бажариб, 138 та сув иншоотини ишга тушириш режалаштирилган.

Осиё тараққиёт банки ва Германия тараққиёт банки билан лойиҳаолди молиялаштириш бўйича яхши тажриба йўлга қўйилди. Бунда пудратчи ва лойиҳачи олдидан танлангани учун амалий ишлар бошланиши тезлашди. Келгусида барча лойиҳаларда шу тартибни қўллаш мақсадга мувофиқлиги айtilди.

Сув таъминоти тизимини рақамлаштириш учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилинган. Бу лойиҳа доирасида беш йилда йирик сув иншоотлари ва магистраль қувурларга 4 минг 800 та “ақлли” ҳисоблагич ва қарийб 3 мингта телеметрия тизими ўрнатилади.

Соҳада халқаро ҳамкорлик ва хусусий шериклик ривожланиб бораётганидан келиб чиқиб, ушбу талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев темир йўллари ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ бу соҳа тубдан ислох қилинмоқда. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибий жиҳатдан ўзгартирилиб, носоҳавий бино, ёндош ер ва ортиқча вази-фалар қисқартирилди. Натижада илгари зарар билан ишлаган компания ўтган йили 47 миллиард сўм соф фойда билан чиқди. “Temiryo'lkargo” компанияси ташкил этилган юк вагонларидан фойдаланиш самарадорлиги 2 қарра ошди.

Лекин ҳали имкониятлар кўп. Тақдимотда соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ва даромад-ни ошириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, транзит юкларини ташиш қувватидан тўлиқ фойдаланилмапти. Буни келгуси йилларда 40 фоизга ошириш орқали даромаднинг 2 қарра кўпайтириш мумкин.

Масалан, илк бор Хитой — Туркия йўналиши бўйича юк поездлари қатнови йўлга қўйилди. Юртимизга янги поездлар олиб келиниб, қатновлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Шу боис темир йўл инфратузилмаси ўтказувчанлигини изчил ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Бу масала, айниқса, Тошкент атрофида долзарб. Ҳозир ташқи юкларнинг 70 фоизи “Чуқурсой” станцияси орқали ташилмоқда. Баъзан бун-

га бир неча кун вақт сарфланиб, ортиқча харажат ва наватга сабаб бўляпти.

Шу боис юк станцияларини пойтахт ҳудудидан ташқарига чиқариш, Янгиёул тумани ва Янги Тошкент яқинида йирик станциялар барпо этиш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, пойтахтимизни ай-лашиб ўтувчи Озодлик — Янгиер темир йўли қури-лиши кўзда тутилган. Натижада Фарғона водий-си билан бошқа вилоятлар ўртасидаги юк ташув-лари Тошкент шаҳрига кирмасдан амалга оширилади.

Янги лойиҳалардан яна бири Самарқанд — Ургут йўлидир. Ҳозирда ишлар бошланиб, 7 километр темир излар ётқизилган. Бу йўналиш узунлиги жами 54 километр бўлиб, 2 та вокзал, “Ургут” иқтисодий зонасида 2 та юк станцияси қурилади.

Вокзалларга кириб-чиқиш тартиби, хизматлар сифати масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Йўлов-чилар харакатига қулайлик яратиш, туристлар учун шароитни яхшилаш, автотураргоҳларни ке-нгайтириш вазифалари қайд этилди.

Мутасаддилар, шунингдек, электропоездлар олиб келиш, хизмат сифатини яхшилаш режалар-и бўйича ахборот берди.

Ў.А.

Тадбир «БМТ-АЁЛЛАР» ТУЗИЛМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ОФИСИНИ ОЧДИ

Тошкент шаҳрида “БМТ-аёллар” тузилмаси офисининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ҳукумати аъзолари, БМТ агентликлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, “БМТ-аёллар” тузилмаси офисини Тошкентда очиб бўйича олий даражадаги келишув-га БМТ Бош котиби ўринбосари, “БМТ-аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Бехуснинг Ўзбекистонга 2024 йил май ойида амалга оширган ташрифи мобайнида эришилган эди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “БМТ-аёллар” билан ҳамкорликнинг янги босқичини қўллаб-қувватлашини билди-раркан, офиснинг очили-ши мамлакатнинг гендер тенглик йўналишидаги та-раққиётини халқаро миқёс-да эътироф этиш рамзи сифатида муҳимлигини таъ-кидлади.

“Шубҳасиз, мазкур ваколатхонанинг юртимизда фаолият олиб бориши икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқишимиз-да, конструктив ҳамкорлик-

ни янада изчил ривожлан-тириб боришимизда катта роль ўйнайди”, деди Танзила Норбоева.

Офиснинг очилиши Ўзбе-кистон Иқтисодиёт ва мо-лия вазирлиги ҳамкорлиги-да амалга оширилиб, Евро-па Иттифоқи томонидан мо-лиялаштирилаётган гендер-га йўналтирилган бюджет-лаштириш лойиҳасининг ишга туширилиши билан бир вақтга тўғри келди. Ушбу лойиҳа янги офис фаолиятининг биринчи кенг кўламли йўналиши бўлади.

Маросимда “БМТ-аёл-лар” ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамла-катлари бўйича минтақавий директори ўринбосари Элиза Фернандес Саенс офиснинг мамлакат аёлла-ри ва қизлари учун шерик-лик, тараққиёт ҳамда умид тисмоси сифатидаги ахамия-тини таъкидлади.

“Тенгликка эришиш йўли ушбу офиснинг очилиши билан тугамайди — у янгидан, кўпроқ мажбурият, янги умид ва тўхтовсиз олдинга интилиш билан давом эта-ди”, деди Элиза Фернандес Саенс.

➡2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ ВА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов муҳим ижтимоий-сиёсий воқеликлар, жумладан, 19 — 22 май кунлари мамлакатимиз Президентининг Венгрия ва Словения давлатларига расмий ташрифининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида имзоланган Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация нафақат мавжуд ҳамкорликни мустаҳкамлаш, балки уни изчил ва тизимли равишда кенгайтириш-га ҳуқуқий, сиёсий ва институционал асос бўлиб қилиниш қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий

саммитида қатнашиши ва илгари сурган ташаббуслари минтақавий иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, Ўзбекистонни ишончли шерик ва замонавий лойиҳалар ташаббускори сифатида намоён этгани таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Словенияга расмий ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, балки Европа билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўли-

да навбатдаги муҳим қадам бўлгани, икки томон учун ҳам манфаатли мулоқотларга бой тарзда ва ҳар томонлама самарали кечгани ургуланди.

Шунингдек, Спикер куни кеча Президентимиз расмлигида маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган муҳим чора-тадбирлар-га алоҳида тўхталди. Фракциялар ва қўмиталар эндиликда соҳага оид қонунчиликни таҳлил қилиши, мавжуд қонунлар ижроси устидан парламент назоратини қучайтириши зарурлиги айtilди.

➡2

ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу хусусда Олий Мажлис Сенати аъзолари қуйидагича муносабат билдирди.

Муносабат

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси:

— Йиғилишда юртимиз ишбилар-

монлари тарафидан тўқимачилик саноатида 500 турдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, айримлари нуфузли брендларга кийим-кечак etkazиб бераётгани, аммо кўпчилик сифатга ишлаётгани боис буни кўрсатолмаётгани таъкидланди.

➡3

Ёшлик фаслининг олтинга тенг дақиқалари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг битирувчиларнинг ҳаётидаги унутилмас кувончли воқеа — мактаб таълими муваффақиятлари тугатиб, етуқлик шаходатномасини қабул қилиб олаётгани ва мустақил ҳаётга қадам қўяётгани билан самимий мурабракбод этгани нафақат ёшларга рағбат ва қанот берди, балки устозлар ва ота-оналарга ўзгача руҳ бағишлади.

Халқ таълими масъуллари, ўқитувчи-устозлар ва битирувчиларнинг ота-оналари, катта ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларнинг жўшқин дил сўзларини ҳавола этамиз.

4-саҳифага қаранг. ➡

Учрашув

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “БМТ-аёллар” тузилмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган “БМТ-аёллар” тузилмасининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий офиси директори ўринбосари Элиза Фернандес Саенс билан учрашув ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва “БМТ-аёллар” тузилмаси ўртасида гендер тенгликни илгари суриш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалдаги на-

тижалари ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тенг ҳуқуқ ва имкониятлар сиёсатини амалга оширишда сезиларли ютуқларга эришгани, бошқарув ва парламентда аёллар улуши ортгани, етакчилик салоҳиятига эга 25 минг

нафар хотин-қиз захираси шакллантирилгани ва 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш янги стратегияси қабул қилингани каби асосий ютуқлар таъкидлаб ўтилди.

Учрашув якунида томонлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва институционал ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган алоқаларни кенгайтириш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканини билдирди.

лаштириш ва “яшил” иқтисодиёт бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида режаларга ургу берилди.

Учрашувда томонлар халқаро даражада миллий иқлим ташаббусларини илгари суриш, норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш, атроф-муҳит инфосланиши ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасида тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга қилишиб олди.

«Халқ сўзи».

СЕНАТ КЕНГАШИ ЕТТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлис

Кенгаш томонидан Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини 2025 йил 28 май куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ солиқ, тадбиркорлик, маъмурий ва жиноят-процессуал қонунчилик соҳаларидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид масалалар кўриб чиқилади. Ушбу ташаббуслар орқали фуқаролар ва тадбиркорлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга ҳисса қўшиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ялпи мажлисда ҳайвонларни идентификациялаш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимини жорий этиш бўйича янги қонун ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилади. Мазкур ҳужжат мамлакатда қишлоқ ҳўжалиги ва ветеринария тизимини янада ривожлантиришга, эпизоотик хавфларни бартараф этишга қаратилган.

Кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар

бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш масаласи ҳам ўрин олган.

Шу билан бирга, ялпи мажлис ййгилиши доирасида устувор халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиши тўғрисидаги миллий маъруза ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мамлакат ҳудудларида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти эшитилади.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясининг маҳаллий Кенгашлар фаолиятига амалий ва услубий жиҳатдан қўмаклашиш борасида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти эшитилади.

Ялпи мажлисда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, ҳудудлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларини тор доирадаги мутахассислар билан, моддий-техник ҳолати талабга жавоб бермайдиган айрим тиббиёт муассасаларини эса замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашга қаратилган чоралар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

«БМТ-АЁЛЛАР» ТУЗИЛМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ОФИСИНИ ОЧДИ

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Махл офиснинг очилиш мамлакатнинг инсон салоҳиятини ривожлантириш ва гендер тенгликка қатъий содиқлигини тасдиқлаши, “БМТ-аёллар” билан ҳамкорлик эса ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини эътироф этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда “БМТ-аёллар” тузилмаси офисининг очилиши хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглигини илгари суришда янги даврни бошлаб беради. Бу ташкилотнинг юбилей ҳамда бутун дунёда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар йилда, айниқса, муҳимдир. Жорий йилда ташкилотнинг 15 йиллиги, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг 30 йиллиги ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича 1325-резолюциясининг 25 йиллиги нишонланади.

«Халқ сўзи».

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ ВА ДАХЛДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Мажлисда, шунингдек, медиация институтини ривожлантириш, суд қарори ўз фойдасига қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасини такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини кучайтириш, миграция соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш, мувофиқликни баҳолаш органлари масъулиятини ошириш ҳамда тадбиркорларга енгиллик беришга доир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Медиация институтига оид қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди

Мажлисда низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, медиация — келиб чиққан низога тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ечим топиш усули бўлиб, низо сундгача ва суд жараёнида ҳал этишга қаратилган институт ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, улар муаммоларининг ечими учун низоларни судгача ҳал қилишнинг замонавий йўналишларини кенг жорий этиш, низолашгаётган тарафларнинг ўзаро қелишувига қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қонун лойиҳасида медиация тартиб-таомилларини қўллаш учун рағбатлантирувчи нормалар, медиаторларга оид талаблар ва медиатив қелишувларни ижро қилиш қоидалари низоларни муқобил ҳал этиш механизмларидан бири сифатида белгиланмоқда. Лойиҳанинг қабул қилиниши фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни самарали ва тезкор равишда ҳал этишга, медиация тартиб-таомилларининг ҳамма жойда қўлланилишини рағбатлантириш орқали судлардаги оқламани мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди. “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов лойиҳадаги айрим масалаларга, хусусан, медиатив қелишув ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда судни ижро варақаси асосида мажбурий ижро этиш механизми жорий қилиш назарда тутилганига эътибор қаратиб, бунда судларга, яъни медиатив қелишув ихтиёрий тартибда ижро этилмаганида ижро варақасини мажбурий ижро қилиш бўйича ваколатни судларга эмас, балки нотариусларга бериш таклифини илгари сурди.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Азимов куни кеча фракция ййгилишида қонун лойиҳаси юзасидан қизгин тортишувлар бўлганини ва депутатларнинг айрим таклифлари инобатга олинганини эътироф этган ҳолда баъзи саволларга етарлики жавоб бўлмаганини қайд этди. Депутат Ойла кодекснинг 76-моддиси, яъни боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишга оид нормага киритилаётган ўзгартириш тўғрисида тўхталди. Масъул кўмита томонидан киритилаётган таҳрирда, яъни бу борадаги низоларни судга мурожаат қилингунга қадар медиация тартиб-таомиллини қўллаш орқали ҳал этилиши давлат томонидан қўллаб-қувватлани-

ши белгиланаётганини, лекин бу низолар медиация йўли билан ҳал қилиниши ҳақида тегишли норма йўқлигини айтиб, бу камчиликлар тўлдирилиши кераклигини таъкидлади. Яна бир масала — бу давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади деган савол ўртага ташланди. Ушбу нормада Вазирлар Маҳкамаси томонидан бундай низолар бўйича медиация тартиб-таомиллини медиатор томонидан бепул амалга ошириш тартиби белгиланиши назарда тутилаётганига эътибор қаратиб, бунинг ҳуқуқий асоси борми, дея қонун ташаббускорларига юзланди.

Улар бу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жавобдан етарлича қаноатланмаган депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан айрим эътирозларини билдирди. Ундаги баъзи моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Узоқ давом этган муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳасини маромига етказиш мақсадида у масъул кўмитага қайтарилди.

Кафолат маблағларини киритиш институти жорий этилмоқда

Депутатлар суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимига кафолат маблағларини киритиш институти жорий қилишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фойдасига суд қарори қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлаш мақ-



нинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашга хизмат қилади. Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш такомиллаштирилади

“Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда давлат мулкани

ҳамда Ер ва Солиқ кодексларига давлат мулкани хусусийлаштириш, ижарага беришни соддалаштириш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Иш берувчи ва ходимларга қўшимча қулайликлар

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, иш берувчилар ва ходимларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати юзага келляпти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Меҳнат кодексига иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга доир ўзгартиришлар киритилмоқда. Яъни иш вақтидан ташқари ишнинг бир кунда биринчи икки соати учун камида бир ярим, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатлари таъминланишига, ташкилотларда иш унумдорлигини ошириш ва ходимларнинг даромадлари кўпайишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Хусусий бандлик агентликларига бир қатор ҳуқуқлар берилмоқда

Миграция жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизгин кечди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида миграция соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди, ушбу соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб

берилди. Жумладан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тугатилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миграция агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, фуқароларни хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ташкилий тарзда юбориш соҳасида хусусий секторнинг иш-тироки кенгайтирилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш борасида ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Шунингдек, Миграция агентлигига хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилмоқда.

Хусусий бандлик агентликларига хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор хорижий иш берувчиларни жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда. Хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилиниши лозим бўлган маблағлар миқдорини камайтириш таклиф этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Махсулотларни ўз ихтиёри билан қақириб олган тадбиркорлар учун енгиллик

Мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда махсулотларни ўз ихтиёри билан қақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усулларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳада истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган талаблар кучайтирилди. Лекин мувофиқликни баҳоловчи органлар томонидан қилинаётган қоидабузарликларнинг ортиб бораётгани мувофиқликни баҳолаш қоидаларини буз-

ганлик учун ҳуқуқий жиҳатдан таъсир чораларини кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, техник регламентларнинг талабларига жавоб бермайдиган махсулотни қақириб олган тадбиркорлик субъектларига енгиллик бериш орқали сифатсиз махсулотларни қақириб олиш таомилларини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик кодекси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларга мувофиқликни баҳолаш органлари масъулиятини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини тегишли талабларга номувофиқ бўлган махсулотларни ўз ихтиёри билан савдодан қақириб олишни рағбатлантиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Аҳоли саломатлигини таъминлашга оид масалалар — доимий эътиборда

Қонунчилик палатасининг 6 май куни бўлиб ўтган мажлисида Соғлиқни сақлаш вазир А. Худоеврга “Аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Унда бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида аҳоли орасида онкологик касалликларни эрта аниқлаш, бирламчи ва иккиламчи профилактика юмушларини ташкил этиш борасидаги ишларни яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидаги мавжуд вақант ўринларни малакали онколог му-тахассислар билан тўлдириш, Фаргона, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ҳудудлараро хос-пислар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан асосланган ишлар тушунтириш бериш сўралганди.

Мажлисда депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни кўриб чиқди.

Унда келтирилишича, республиканинг барча 16 та онкологик муассасаси тўла таъмирдан чиқарилган. Мавжуд 5 та нур терапия ускуналари сони 51 тага етказилган. Республикада 100 амбулатор, 650 ўринли стационар хизматига эга энг замонавий янги онкология маркази биноси қурилиб, ушбу масканда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилаётган.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида онкологик беморларга ПЭТ/КТ текширишларини давлат маблағлари ҳисобидан амалга ошириш йўлга қўйилди. Барча онкология филиалларида иммуногистокимё лабораториялари ташкил этилди.

2021 йилдан ҳудудларда 45 — 65 ёшли аёллар ўртасида кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш бўйича скрининг бошланган.

Ҳозирги кунда республикада ахборот тизимига интеграция қилинган 16 та мобил маммограф ва 16 та стационар маммографик кабинетлар аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Фаргона, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ҳудудлараро хоспислар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётган.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумот тақдим этилгани айтилиб, Соғлиқни сақлаш вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Фаол ҳаётга қадам» дастури 1 июндан амалиётга жорий этилади.

ИҚТИСОДИЁТНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Айни чоғда юртимизда халқаро сертификатга эга корхоналар сони талаб даражасида эмаслиги айтилди. Маҳаллий sanoatни қўллаб-қувватлаш учун миллий брендларни қўллайтириш, мавжудларини халқаро даражага олиб чиқиш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Бунинг учун миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил қилинади. Ушбу компания хориждан бренд-менеджер, дизайнер, маркетинг, пиар-менеджерларни жалб қилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Бугунги кунда маҳаллий sanoat Ўзбекистон иқтисодиётида драйвер соҳалардан бирига айланмоқда. Хусусан, тўқимачилик, мебелсозлик, қурилиш материаллари, заргарлик, тайёр озик-овқат маҳсулотлари ва чарм-пойабзал тармоқлари фаол ривожланмоқда. Бу соҳалар нафақат ички бозорни тўлдиришда, балки юртимиз экспорт салоҳиятини ҳам кенгайтирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган маҳаллий sanoatни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш салоҳияти, экспорт имкониятлари ва маҳаллий тадбиркорликни янада жонлантиришга қаратилган билан муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидланганидек, sanoat, экспорт ва тушум масалаларида “республика — тармоқ — вилоят — туман” тизимида аниқ масъуллар белгиланиб, янги ёндашув йўлга қўйилмоқда. Тўқимачилик соҳасида эса ҳар бир ҳудудда

Маҳаллий sanoatни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинаркан, бу борадаги ҳолат туман ва тармоқлар кесимида таҳлил этилиб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Афсуски, юртимизда миллий маҳсулотлар бир жойда сотиладиган савдо марказлари йўқ. Шу боис энди ҳудудларда “Mail of Uzbekistan” мажмуалари барпо этилади. Улардаги савдо дўконлари тадбиркорларга минимал нархда ижарага берилади. Бундай марказлар харидорларга кенг танлов имконини бериб, хорижий туристлар учун ҳам қулай савдо



халқаро сертификатларга эга корхоналарни қўллайтириш, уларга амалий ёрдам бериш муҳим вазифа сифатида юклатилди.

Ички бозорда маҳаллий маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида “Mail of Uzbekistan” каби марказларни ташкил этиш ташаббуси — тадбиркорлар учун янги имкониятлар ашиғидир.

Мебелсозлик ва заргарлик соҳаларидаги салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида яқна тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кластерлар ташкил этиш ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Энди заргарлар ҳам яқна



объекти вазифасини ўтайди. Ҳозирги мураккаб шароитда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қийматни қўллайтириш — энг асосий масала. Шу мақсадда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун факторинг тизими жорий қилиниб, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилди.

тадбиркор сифатида тилла буюмлар савдоси билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Бу соҳада ҳам sanoat усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади.

Хусусан, заргарликда ишлатиладиган ускуналар ва уларнинг бутловчи қисмлари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна уч йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қилини олиб келиш харажати-нинг 30 минг долларгача қисми қоплаб берилади.

Бугунги иқтисодий шароитда барча даражадаги давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар белгиланган вазифаларни сўзсиз ижро этиши лозим. Sanoatни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилиб, экспорт кенгайтириш, ҳалқимиз фаровонлиги ортади. Бу йўналишдаги ҳар бир ташаббусни амалий натижага айлантириш барчамизнинг бурчимиздир.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ БРЕНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ –
ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликка яратилган кенг шароитлар туфайли ҳудудларда кичик ишлаб чиқариш корхоналари сони қўпаймоқда. Бунинг натижасида одамлар иш билан таъминланиб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрланаётир. Аммо жаҳондаги мураккаб вазият бу йўналишда янада фаол ишлашни, рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо этмоқда. Sanoat тармоқлари раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар бу жараёнда имконият излаш, ички захираларни ишга солиб, тақлиф ҳамда ташаббус кўрсатиши керак.

Акс садо

Президент Шавкат Мирзиёев расислигида айни шу масалаларга бевосита тааллуқли бўлган — маҳаллий sanoatни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар бир давлат, аввало, энг кўп иш ўринлари яратадиган соҳаларни ҳимоялаш чораларини кўриши лозим.

Рақамларга эътибор беринг, мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик каби соҳаларда миллионга яқин аҳоли банд. Ўтган тўрт ойда юртимизда sanoat 6,3 фоиз ўсиб, 290 трлн. сўмга етган. Экспорт 20 фоиз ошиб, 6 млрд. 350 млн. долларни ташкил этган.

Йиғилишда таъкидланганидек, маҳаллий sanoatни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалаларида камчиликлар кузатиляпти. Олайлик, тўқимачиликда 7 мингга яқин тадбиркорлар 500 дан зиёд турдаги маҳсулотлар чиқаряпти. Айримлари нуфузли брендларга қийим-кечак етказиб берапти. Бироқ кўпчилик сифати ишлаётгани билан бунни кўрсатиб беролмаяпти. Бугунги кунга қадар атиги 244 та корхонада халқаро сертификат борлиги ҳам ачинарлидир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан нафақат халқаро сертификат олиш, балки корхонани бунга мослаштириш харажати ҳам қоплаб берилиши белгиланган. Яратилаётган бундай имкониятлардан тадбиркор-



ларни хабардор қилиш, ҳар бир вилоятда халқаро сертификатга эга корхоналарни қўллайтириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз ушбу йўналишда ҳам муҳим ташаббусни илгари сурди. Эндиликда мамлакатимизда Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил қилинади. Унга хориждан бренд-менеджер, дизайнер, маркетинглар жалб этилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашилади. Халқаро сертификати бор, рақобатбардош маҳсулотларга сифат белгиси берилиб, дунёда кенг тарғиб этилади.

Йиғилишда яна бир муҳим муаммо — миллий маҳсулотлар бир жойда сотиладиган савдо марказлари йўқлиги танқид қилинди. Шу боис энди ҳудудларда “Mail of Uzbekistan” мажмуалари барпо этилади. Улардаги савдо дўконлари тадбиркорларга минимал нархда ижарага берилди. Бундай марказлар харидорларга кенг танлов имконини бериб, хорижий туристларга ҳам қулай бўлади.

Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қийматни қўллайтириш ҳам жиддий масала. Шундан келиб чиқиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун факторинг тизими жорий қилиндики, бунга 100 млн. доллар ажратилди. Бунинг мантаний давомий сифатида энди тўқимачилик корхоналари калава ипни факторинг асосида соддалашган тартибда сотиб олиши мумкин бўлади.

Заргарлик юртимизда азалдан

қадрланган ва бу йўналишда ҳам тадбиркорларга қўллаб қўлайликлар яратиб берилмоқда. Бугун бу тармокни иқтисодиётнинг қўшимча драйвери дейиш мумкин. Маълумотларга кўра ўтган йили ушбу тармоқда ишлаб чиқариш 200 млн. доллардан ошган, экспорт 17 фоиз ўсиб, 92 млн. долларга етган. Аммо бу йилига 100 тоннадан зиёд олтин қазиб олинадиган Ўзбекистондаги имкониятларнинг ўндан бири ҳам эмас. Шу боис соҳада қўшимча енгилликлар белгиланди. Энди заргарлар ҳам яқна тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шуғулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажати-нинг 2,5 минг долларгача қисми камида 5 нафар шоғирд чиқариш шарти билан қоплаб берилади.

Эътиборлиси, соҳада sanoat усулига ўтилиб, миллий брендлар қўллаб-қувватланади. Хусусан, заргарликда ишлатиладиган ускуна ва бутловчи қисмлар импорт божидан озод қилинадиган бўлди.

Қайд этилганидек, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна уч йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қилини олиб келиш харажати-нинг 30 минг долларгача қисми қоплаб берилади.

Умуман, видеоселектор йиғилишида кўтарилган барча йўналишдаги масалалар ва маҳаллий sanoatни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар ижроси мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини янада ривожлантириш билан бирга, аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан янада аҳамиятлйдир. Зеро, муаммоларни ўзимиз ҳал этмасак, биров четдан келиб ҳал қилиб бермайди.

Шундай экан биз, депутатлар ҳам бу масалаларга эътиборни янада қўчатириб, муаммоларни тадбиркорлар билан биргаликда бартараф этиш чораларини кўрамиз. Бу юртимиз равнақи учун гоётада муҳимдир.

Муқаддасхон АҲМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Халқ сўзи».

Тақдимот
Ислохотлар
самараси
эътирофи

27 май куни Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)нинг Аксилкоррупция тармоғи Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги 5-раунд базавий ҳисоботи ва Ўзбекистонда коррупцияга қарши ислохотларни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси тақдимида иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ИХТТ ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Таъкидланганидек, ИХТТ томонидан ишлаб чиқилган Истанбул ҳаракатлар режаси ҳозирги кунда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда муҳим йўналиш вазифасини ўтамоқда. У нафақат эришилган ютуқларни баҳолаш, балки эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор соҳаларни ҳам аниқлашда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, 2024 йилда Ўзбекистонда амалга оширилган 5-босқич мониторинги ва баҳолаш тизими коррупцияга қарши сиёсат, манфаатлар тўқнашуви ва мол-мулк декларацияси, хабар бериш чоралари қилиш, бизнеснинг яхшилиги, давлат харидларида ҳалоллик, суд ҳокимиятининг ва прокуратуранинг мустақиллиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича иқтисослаштирилган муассасалар, коррупция жиноятлари учун таъқиб қилиш каби тўққизта самарадорлик соҳасини ўз ичига олди.

Тақдимот давомида Ўзбекистондаги сўнгги ислохотлар ижобий дея эътироф этилгани ва мамлакатимиз минтақада коррупцияга қарши курашиш бўйича энг юқори баҳоладан биричи олгани айтилди. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини қучайтириш, давлат харидларида ва ҳуусий секторда ҳалолликни таъминлаш борасидаги кўрсаткичлар яхшиланаётгани алоҳида таъкидланди.

Буларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, шунингдек, мамлакат парламенти ва ижро ҳокимияти идораларининг сайёҳаракатлари самараси ҳамда халқаро ҳамкорлар кўмагининг амалий натижаси сифатида эътироф қилинди.

Тадбир доирасида ИХТТ томонидан тақдим этилган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” кенг муҳокама қилиниб, уни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Мулоҳаза
БИЛИМЛИ АВЛОД —
ЭРТАМИЗ
ЭГАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари яқинда мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қўлга киритилаётган ютуқлар муаввуд муаммоларга алоҳида тўхталди.



Жумладан, таълим дастурлари энг илгор мамлакатлар таърибасига мослаштирилиб, дарсликлар янгилангани, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилгани билан тизимдаги муаллимларнинг янги методикаларни ўзлаштириши, таълим сифатини таъминлаши қоникарли даражада эмаслиги танқид қилинди. Буни биргина тоифа бериш тизими мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили 341 минг нафар ўқитувчи янги тизим асосида тоифага топширган бўлса, шундан 102 минг нафари (30 фоизга яқини) имтиҳондан ўта олмагани қайд этилди.

Ўқитувчиликдек шарофли касб эгасини тайёрловчи барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгариши айтилди ва бунинг Президентимиз Термиз педагогика институти мисолида тушунириб берди. Бу олийгоҳга Янги Ўзбекистон университетидеги каби халқаро бошқарув тизими татбиқ этилади. “ТОП” хорижий олийгоҳлар таърибаси асосида факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим бўйича 6 та олий мактаб ташкил қилинади.

Олийгоҳдаги фанлар сони ҳам мақбуллаштирилиб, 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага туширилади, ўқув юкласи 20 фоизга қисқаради. Термиз шаҳри ва туманидаги 47 та мактаб олийгоҳнинг амалиёт базасига айлантирилди. 3 та иқтисослаштирилган ҳамда янги баҳолаш тизимига ўтган 12 та мактаб эса методик база бўлиб, олийгоҳ уларни замонавий лаборатория билан таъминлайди.

Булар — бир институтда яқин келажақда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар. Мазкур тизим барча педагогика

олийгоҳларида жорий этилади.

Албатта, олий таълим даргоҳига йўл мактабгача ва мактаб таълими орқали ўтади. Аниқроғи, бўлажак ўқитувчию шифокорнинг, муҳандис мейморнинг зуваласи шу тизимда пишиydi. Шу маънода, Сурхондарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, айни кунларда тизимда 985 та таълим муассасаси фаолият юритиб, 967 та умумий ўрта таълим мактабида 540 минг 801 нафар ўқувчига 48 509 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда.

Соҳада олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ, бундан олти йил аввал асосий фан олимпиадасининг якуний босқичи бўйича Сурхондарё вилояти республикамиз умумтаълим мактаблари фанлар олимпиадасида 14-ўринни эгаллаган бўлса, ўтган йили 7-ўринга чиқди, жорий йилда эса 4-ўринни қўлга киритди.

Таълим тизимини юксалтиришга қаратилган бундай ислохотлар “Янги Ўзбекистон оstonаси таълимдан бошланади”, деган гоёянинг ҳаётдаги инъикосидир. Зеро, ўқувчилар бoғча ва мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, олий ўқув юртида келажақнинг ҳақиқий эгаси — етуқ мутахассис сифатида ўзини намoён этади. Бу эса маънавият, маърифат, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириб, қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш имконини беради. Зотан, ҳар қандай мамлакат тараққиётини соғлом ва билимли авлод белгиллаш исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Дилбар СУВОНОВА,
Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини қучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия йиғилиши

Унда комиссия томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига амалий-усулбий жиҳатдан кўрсатилган кўмак ва амалга оширилган чора-тадбирлар атрофида муҳокама қилинди. Кайд этилганидек, маҳаллий Кенгашлар қарорлари лойиҳаларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш услубияти ишлаб чиқилди. Шунингдек, Кенгаш сўрови ва текшируви институтларининг ҳуқуқий асослари

мустаҳкамланди, Кенгашлар ҳузурида Эксперт гуруҳлари ҳамда Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Комиссиянинг шу пайтга қадар олиб борган фаолияти давомида “маҳалла — Кенгаш — Сенат” тамойили асосида фуқароларнинг минглаб муаммолари ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар олиб бо-

рилди. Ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий Кенгашларнинг роли янада оширилди.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини намунавий ташкил этиш мезонлари ишлаб чиқилиб, ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) Кенгаши фаолиятини эталон сифатида жорий қилиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Мажлисида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилгани

маълум қилинди. Ушбу концептуал ҳужжатлар маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини таъминлаш ва уларнинг институционал салоҳиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлйдир.

Шунингдек, тадбирда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш, “E-Kengash” электрон платформасини ривожлантириш ва уни тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилиш борасида амалга оширилган ишларга ҳам эътибор қаратилди.

Мажлис якуни бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Италия:
ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШГА ҚАРАТИЛГАН
УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам изчил ривож топмоқда. Ҳазортоғ айирбошлаш ҳажми 2017 йилдаги 172,2 млн. доллардан 2024 йилда қарийб 438 млн. долларга етди. Бунга мамлакатлар ўртасида амалда бўлган энг қулай савдо режими, шунингдек, мамлакатимиз 2021 йилда бенефициари-га айланган Европа Иттифоқининг “GSP+” имтиёзли тизими кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

1992 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Савдо, иқтисодиёт ва sanoat ҳамкорлиги ва экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон — Италия ҳукуматлари ишчи гуруҳи ҳам икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва шерикликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил июнь ойда Италияга ташрифи муносабати билан Римда икки томоннинг 200 дан ортиқ тадбиркор ва компаниялари вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Италия бизнес форуми бўлиб ўтди. Унинг якунлари бўйича жами 9,2 млрд. еврога тенг 38 та инвестициявий битим, 13 та технологик ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда 13 та экспорт шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ташрифи чоғида Италиядаги йирик компания ва sanoat бирлашмалари раҳбарлари билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқот Милан шаҳрида давра суҳбати форматда бўлиб ўтди. 2023 йилнинг 7-8 сентябрь кунлари Италия қишлоқ хўжалиги, озик-овқат суверенитети ва ўрмон хўжалиги вазири Франческо Лоллобрихиди ҳамда Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири ўринбосари Эдмондо Чирмелли ФАО шафелигида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Озик-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этди. 2024 йил октябрь ойда эса Римда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Алишер Шукуров Италия қишлоқ хўжалиги вазири Франческо Лоллобрихиди билан учрашди.

Ўзбекистон тадбиркорлари Италияда ўтказиб келинаётган “Tuttofood”, “Macfrut”, “Simas Tanning Tech”, “TTG Rimini” ва “Artigiano in Fiera” каби халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этапти.

Ўзбекистонда Италия инвестицияси иштирокидаги 55 та корхона (24 таси 100 фоиз хорижий сармоа асосида) фаолият юритади. Италиянинг 9 та компанияси, шунингдек, “Италия — Ўзбекистон” Савдо-саноат палатаси ваколатхоналари Ўзбекистон Инвестициялар, sanoat ва савдо вазирлигида аккредитациядан ўтган.

Италия инвестиция ҳамда технологиялари иштирокида мамлакатимизда газ тақсимлаш тизим-

ларини модернизация ва реконструкция қилиш, ҳашаматли темир йўл круизларини йўлга қўйиш, Жиэзза вилоятида заъфарон этиштириш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётир.

2023 йил март ойидан бошлаб Тошкент, Милан ва Рим шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани ҳам ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Мадааний-гуманитар ҳамкорлик Ўзбекистон — Италия муносабатларининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Хусусан, 1998 йил сентябры ойда мамлакатимизда “Ўзбекистон — Италия” дўстлик жамияти ташкил этилди.

Ўзбекистонда Турин ва Пиза университетларининг филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2023 йилда Бухорода Лаиджи Ванвители номидagi Кампания университетининг филиали очилди. 2024 йил сентябры ойда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистоннинг 45 ва Италиянинг 23 та олий ўқув юртилари раҳбарлари иштирокида “Ўзбекистон — Италия” биринчи ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Жорий йил 25 апрель куни Самарқанд шаҳрида икки давлат олий таълим муассасалари ректорлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди ва тадбир дои-

расида фан ва таълим соҳасига оид 6 та ҳужжат имзоланди. 2024 йил Италияда Ўзбекистонга бағишланган қўллаб маданий тадбирлар ўтказилгани билан ёдда қолди. “Ўзбекистон: сарҳадаги авангард” кўргазмаси 2024 йилнинг 15 апрелидан 30 июнига қадар Флоренцияда ва 2024 йилнинг 16 апрелидан 30 июнига қадар Венециядаги “Ка Фоскари” университетиде бўлиб ўтди. Шунингдек, 4 — 9 декабрь кунлари Рим, Милан ва Венежио шаҳарларида Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Италия вакиллари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Эътиборлиси, Италия санъаткорлари бир неча бор ушбу нуфузли фестивалнинг Гран-при ва махсус совринларини қўлга киритган.

Ўз навбатида, 2018 йилда Римда бўлиб ўтган “Азиатика” XIX халқаро Осиё фильмлари кинофестивалида “Тоҳир ва Зухра” фильми жаҳон киноси ривожига, умуминсоний қадриятлари тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун махсус диплом билан тақдирланди.

Ўзбекистон Миллий павильони кетма-кет бешинчи йилдирки, Венецияда бўлиб ўтган Халқаро архитектура ва санъат биеналесининг италиялик ва хорижлик меҳмонлари орасида катта муваффақиятга эришляпти. Шу йил 8 май куни

расида фан ва таълим соҳасига оид 6 та ҳужжат имзоланди.

2024 йил Италияда Ўзбекистонга бағишланган қўллаб маданий тадбирлар ўтказилгани билан ёдда қолди. “Ўзбекистон: сарҳадаги авангард” кўргазмаси 2024 йилнинг 15 апрелидан 30 июнига қадар Флоренцияда ва 2024 йилнинг 16 апрелидан 30 июнига қадар Венециядаги “Ка Фоскари” университетиде бў

ЁШЛИК ФАСЛИНИНГ ОЛТИНГА ТЕНГ ДАҚИҚАЛАРИ

ХАР БИРИ НОЁБ ВА ИСТЕЪДОДЛИ

Давлатимиз раҳбари ҳаётидаги муҳим босқични яқунлаб, замонавий университетлар, касб-хунар мактаблари ва техникумлар остонасида турган битирувчиларга табрик йўллагани қорақалпоғистонлик ёшларга ҳам чексиз қувонч бахш этди. Чиндан-да, бугунги кунда ёшлар учун барча имкониятлар мавжуд. Хар бири ноёб ва истеъдодли бўлган йигит-қизларимизнинг катта ҳаёт йўлида ўз йўлини топиши биз учун ҳам муҳимдир.



Гулистан КОЖАБАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
мактабгача ва мактаб таълими вазири.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
ТИНЧ ВА ФАРОВОН
МАМЛАКАТДА
КАМОЛ ТОПАЁТГАНИДАН
БАХТИЁРМИЗ

Юртимизда ёш авлод таълимига қаратилган эътибор, яратилган шароит ва имкониятлар ҳар бир ота-онанинг қалбида катта миннатдорлик туйғусини уйғотади. Ёшларнинг салоҳияти ва истеъдодини рўйбга чиқариш учун барча шароит яратилмоқда.



Аёнки, инсоннинг келажақда етук кадр бўлиб шаклланишида мактабда олган бошланғич таълимнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ота-оналар фарзандини мактабда тахсил олиш даврида мунтазам назорат қилишлари лозим.

Шу маънода, ўғлим Дилшодбек Ражабовнинг келажагидан кўнглим тўқ. У Хазорасп туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синфини “аъло” баҳолар билан тугатди. Фарзандимиз мактабда физика фанини чуқур ўзлаштиргани учун республика ва халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Умуман, дилбандимни илм олиш йўлида қўллаб-қувватлаган устозлари, замонавий таълим ресурслари, олимпиада ва танловлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар буларнинг барчаси юртимизда инсон капиталига қаратилган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Биз ота-оналар фарзандларимиз тинч ва фаровон мамлакатда камол топаётганидан бахтиёрмиз.

Ҳасанбой ЮСУПОВ,
Хазорасп тумани

ҲАЛИ ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ДУНЁ ЭШИТАДИ

Янги Ўзбекистоннинг энг бахтиёр ёшларидан бириман. Чунки Президентимиз томонидан йўлланган табрик ҳар бир мактаб битирувчисига шундай ишонч бағишлади.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айлانганининг самаралари Сурхондарё вилоятида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Янги таълим масканлари қад ростлаётгани, ўқитувчиларнинг салоҳияти мунтазам оширилаётгани, дарслик ва ўқув қўлланмалари замон талабларига мос равишда янгиланаётгани қувонарлидир. Айниқса, кўзи оғир ва заиф кўрувчи ўқувчилар учун ҳам тенг шароитлар



яратилаётгани таҳсинга сазовор. Бу ислохотларнинг натижаси амалда ўз ифодасини топмоқда. Мисол учун, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги асосий фан олимпиадалари натижаларига эътибор қаратсак, Сурхондарё вилояти ўтган ўқув йилида

14-ўрндан 7-ўринга кўтарилган бўлса, жорий йилда 4-ўринни эгаллади. Бу, албатта, ўқитувчиларимиз ва таълим тизими вакиллари фидокорона меҳнатларининг самарасидир.

Жорий йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик томонидан кўзи оғир ва заиф кўрувчи ўқувчилар ўртасида ўтказилган асосий фан олимпиадасининг республика босқичида математика фанидан 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Бу ғалаба

НАТИЖА ҚАТЪИЯТ ВА ИРОДАГА БОҒЛИҚ

Билимлар пойдевори бўлган мактаб бизга ўз эзгу мақсади йўлида интилиш-ни, дўстлик ва инсоний муносабатларни қадрлашни ўргатади.

Отам — шифокор, онам — ўқитувчи. Улар болалигимдан математика ва информатика фанларини чуқур ўзлаштиришим учун барча шароитни яратиб беришди. Бунинг натижасида ҳар икки фандан туман босқичларида фахрли ўринларни эгалладим. Мақсадим мактабни “аъло” баҳолар билан тамомлаш эди. Қатъият ва ирода билан инглиз тилини мустақил ўрганиш орқали 2024 йилда IELTS имтиҳонидан 6.5 балл олдим. Бу ютуқ туфайли халқаро олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириш имкониятини қўлга киритдим.

Бугунги кунда АҚШнинг бир нечта ну-

фузли университетларидан — “Arizona State University”, “Rowan University”, “Columbia College Chicago”, “Western New England University” ва “DePaul University” каби “ТОП — 200” талика кирувчи олийгоҳлардан жами 400 минг АҚШ долларидан ортиқ грант ютишга муваффақ бўлдим.

Ҳаётдаги энг катта орзуларимдан бири — нанотехнологиялар соҳасида етук мутахассис бўлиш. Бу йўналишни танлашимга илм-фанга бўлган қизиқишим,



чи эмасман.

соғлиқни сақлаш, электроника ва энергия соҳаларига инновациялар олиб кириш истагидир. Келажақда инсон танасига юбориладиган наноботлар яратиб, касалликларни ичкаридан даволаш учун ишлатишни ният қилганман. Шу мақсад йўлида билимларимни бойитиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун ўқиб-изланишдан бир лаҳза бўлса-да, тўхтамоқчи эмасман.

Ашраф ЎРОЛБОВЕВ,
Ургут туманидаги 103-умумтаълим
мактаби битирувчиси.

ИМКОНияТЛАР
ҚЎНФИРОғИ

“Сўнгги қўнғирок”... Бу икки сўз шунчаки оддий тадбир номи, қўнғирок жаранги эмас, балки вақт деган олий ҳақамнинг “Энди навбат сенга, ўз йўлиниги ўзинг танла ва олға интил” деган жарангдор овозидир.

Шу маънода таъкидлаш керакки, “Сўнгги қўнғирок” тантаналарида Президентимизнинг биз, битирувчи ёшларга йўллаган табригиди “Амин-ман, сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, турли соҳалардаги ютуқларингиз Янги Ўзбекистонни янада қўдратли этадиган моддий ва маънавий асосларни барпо этишга беқиёс ҳисса бўлиб қўйилади.

Сизлардек ўз кучига ишонган, қатъиятли ёшлардан қадрдон мактабнингиз, азиз устозларингиз ва ота-оналарингиз, бутун халқимиз фақат эзгу ишлар ва ёрқин натижалар кутади.

Ана шундай юксак ишончга доимо муносиб бўлинг”, деган сўзларини эшитган ҳар бир ёш ўз қалбида, юрагиди катта ва шарафли масъулиятни ҳис этди, десам, муболага эмас.

Бугун тенгдошларимнинг дилида битта туйғу бор, у ҳам бўлса, Ватан олдидаги фуқаролик, фарзандлик бурчи масъулиятидир. Ўрни “сўнгги қўнғирок” “Мана, энди сенга ҳам юрт равнақи, халқ бахту саодати йўлида сидқидилдан хизмат қилиш навбати келди” деган хитоб ҳамдир.

Демак, “сўнгги қўнғирок” яқун эмас, аксинча, келажак сари катта йўлнинг бошланишидир. Ҳаётнинг бу муҳим қўнғироғи сени руҳлантиради, орзуларингни жўш урдиради. Мактабни битирган борки, албатта, барчаси мақсадларига эришиш учун дадил қадам ташлайди: кўпчилик турли соҳалар бўйича ўқий бошлайди, минг-минглаб ёшлар эса ихтисослаштирилган касб-хунар ҳамда бевосита умумтаълим мактабларида ўқувчилигидаёқ ўрганган касб-хунари бўйича ишга кириди. Янги жўшқин ҳаёт бошланади...

Ўйлаيمانки, оқоридида фикрларимизга элимизнинг семимли шоири Ўткир Раҳматнинг “Сўнгги қўнғирокдан кўзларингга нам...” шеърисидаги ушбу сатрлар ҳам муносиб ҳулоса бўлади:

Вояга етказган масканга таъзим
Ҳар қатна қилмаки, билгил, бўлар оз.
Бу ҳаёт аслида улғу муаллим,
Отаю онангдир энг катта устоз...

Азизим, умрининг гулгун боғида
Турфа гуллар очса қисмат гўзал, бок.
Яшаш ва яратмиш иштиёқида
Шижоат, шаҳд тилар сўнгги қўнғирок!

Самия АБДУРАШИДОВА,
Мирзаобод туманидаги 13-мактаб битирувчиси.



Жавоҳир Синдаров – нуфузли турнир чемпиони

Швециянинг Мальмё шаҳрида ўтказилган йирик халқаро шахмат турнири ўз якунига етди. Айлана тизимида бўлиб ўтган маскур мусобақада Ўзбекистон шарафини гроссмейстер Жавоҳир Синдаров муваффақиятли ҳимоя қилди.

Спорт

Мамлакатимизнинг иккинчи рақамли шахматчиси етти нафар кучли рақиблари билан совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Куни кеча бўлиб ўтган 7-тур баҳсида ҳамюртимиз қора доналарда укра-

иналик шахмат афсонаси Василий Иванчукка қарши баҳс олиб борди ва ўйинни дуранг билан якунлади.

Ушбу натижа билан Жавоҳирнинг очколари сони 4,5 тага етди. Параллель тарзда, иккинчи ўринда бораётган туркиялик Ягиз Эрдөгмус ҳам ўз рақибни, нидерландиялик Эрвин Л'Ами билан ду-

ранг ўйнади. Пировардида турнирда Жавоҳир Синдаровни очколар бўйича қувиб етишга ҳеч бир рақибда имкон қолмади.

Шундай қилиб, Жавоҳир Синдаров Мальмёда ўтаётган нуфузли халқаро турнирда чемпионлиқни қўлга киритди. Бу натижа ёш гроссмейстеримиз учун навбатдаги муҳим ютуқ бўлиб, Ўзбекистон шахмат мактабининг юксак салоҳиятини яна бир бор исботлади.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

O'ZBEKISTON DAVLAT
KONSERVATORIYASI

quyidagi kafedra bo'yicha lavozimga tanlov e'lon qiladi:

■ Maxsus fortepiano kafedrası: dotsent — 2 o'rin.

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari to'xtati;
- mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida O'zbekiston davlat konservatoriya'sining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: 100027, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2025 йил 17 июнь, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантирилаётган сана: 2025 йил 11 июнь.

Кун тартибига киритилган масалалар:
1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санақ комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
3. Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини тасдиқлаш.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли қилинган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳис — Ш. Машраббоев.